

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

**ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-
ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОРГАНОВ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ В
УЗБЕКИСТАНЕ.**

**PROSPECTS FOR IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL
FOUNDATIONS OF PRELIMINARY INVESTIGATION BODIES IN
UZBEKISTAN.**

Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: *Ўзбекистон Республикасида дастлабки терговни амалга оширилайётган тергов органларини ягона тизимга бирлаштириши мақсадида Тергов қўмитасини ташкил этиши, ушбу Тергов қўмитасини ташкил этиши бўйича миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари ҳамда хориж тажрибалари ҳақида муаллиф ўзининг мақоласида қайд этган.*

Калитли сўзлар: *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Россия Федерацияси Тергов қўмитаси, Қозоғистон Республикаси Тергов қўмитаси, Беларусь Республикаси Тергов қўмитаси, малака ошириш институти, прокурор, терговчи.*

Аннотация: *В Республике Узбекистан в целях объединения следственных органов, осуществляющих предварительное расследование, в единую систему предусматривается создание Следственного комитета. В своей статье автор также отмечает мнения национальных и зарубежных ученых, а также зарубежный опыт по вопросам создания данного Следственного комитета.*

Ключевые слова: *Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, Следственный комитет Российской Федерации, Следственный комитет Республики Казахстан, Следственный комитет Республики Беларусь, институт повышения квалификации, прокурор, следователь.*

Annotation: *In the Republic of Uzbekistan, the establishment of the Investigative Committee is envisaged for the purpose of unifying the investigative bodies conducting preliminary investigations into a single system. In his article, the author also notes the opinions of national and foreign scholars, as well as foreign experience regarding the establishment of this Investigative Committee.*

Keywords: *Department for Combating Economic Crimes under the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, Investigative Committee of the*



Russian Federation, Investigative Committee of the Republic of Kazakhstan, Investigative Committee of the Republic of Belarus, Institute for Advanced Training, prosecutor, investigator.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида оширилаётган ислохотлар доирасида тергов органларининг самарадорлигини ошириш, терговни ҳолис ва тўлиқ олиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлашда холисликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш каби масалалари долзарб бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда дастлабки тергов ички ишлар, прокуратура, давлат хавфсизлик идоралари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терговчилари томонидан олиб борилмоқда. Бу ҳолат баъзан функциялар ва ваколатларнинг такрорланиши, масъулиятни аниқлашда муаммолар пайдо бўлиши ҳамда тергов жараёнида ташқи таъсир эҳтимолини кучайтириши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда терговчи, прокурор ва судьялар қўлидаги иш бўйича идораларга тақдимнома ва хусусий ажрим киритишдан нарига ўтмаётгани, уларнинг муҳокамаси ҳам, жавоби ҳам қуруқ расмийчилик экани кўрсатиб ўтилди[1]. Бу эса ҳозирги кундаги тергов тузилмаларининг олиб бораётган тергови ҳамда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ҳаракатлари етарли даражада амалга оширмаётганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқшунос олимлар фикрига кўра, мустақил тергов органининг жорий этилиши тергов жараёнини тўлиқ, сифатли ва холисона бўлишига, ташқи таъсирлар эҳтимоли камайишига хизмат қилади. Хусусан, Россия Федерациясида Тергов қўмитасининг ташкилий асосларини яратиш бўйича илмий тадқиқот олиб борган В.Ануфриевнинг фикрича, прокурорнинг терговни назорат қилиш борасидаги ваколатлари қўплиги терговчига нисбатан босим ўтказиш имкониятини яратишлиги, терговни терговчи олиб боришига қарамай, прокурор исталган пайтда унга аралашуш ва назорат тартибида қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш важи билан терговнинг бориши ва натижаларини ўз нуқтаи назаридан тўғри деб ҳисоблаган тарзда қайта йўналтириш ваколатига эга.[2]

“Прокурор томонидан тергов жараёни ва унинг натижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олиш имконияти терговчининг процессуал мустақиллигини амалда йўққа чиқаради, бу эса табиий равишда терговчининг жиноят иши бўйича айбловини прокурор билан бир ёндашувда бўлишига олиб келади. Шу каби ёндашувни терговчининг бевосита раҳбари – ички назорат ваколатларига эга бўлган тергов бўлими бошлиғи ҳам эгаллайди, унинг ваколатлари тергов босқичидаги прокурор ваколатларидан деярли фарқ қилмайди. Бундан ташқари,

мамлакатда содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилигини тергов қиладиган ички ишлар органлари терговчиларида яна бир раҳбар бор – ички ишлар бўлими бошлиғи, унга терговчи хизмат жихатидан боғлиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси жиноятларни фош этиш даражасини ошириш ҳисобланади”.[3]

Таъкидлаш керакки, 2007 йил 1 август куни Россия Федерацияси Президентининг 1004-сонли Фармони ҳам қабул қилинган ва кучга кирган. [4] Бу билан Россия Федерацияси Бош прокуратураси ҳузуридаги Тергов қўмитаси масалалари» номли ҳужжат, у орқали «Россия Федерацияси Бош прокуратураси ҳузуридаги Тергов қўмитаси тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.[5] 2007 йилда Россия Федерацияси Бош прокуратураси ҳузурида Тергов қўмитаси ташкил этилишидан аввал бир нечта рус олимлари келгусида мустақил ва ягона тергов органи тузилиши ҳақида фикр билдирганлар. Бунинг натижасида 2011 йилда Тергов қўмитаси прокуратурадан ажратилиб, Россия Федерациясининг мустақил Тергов қўмитаси сифатида ташкил этилди.

Шу вазифани амалга ошириш мақсадида, 2010 йил 4 август куни Россия Федерацияси Тергов қўмитасининг “Малака ошириш институти” ташкил этилди. Шу билан бирга, Россия Федерациясининг мустақил Тергов қўмитаси расман 2010 йил 28 декабрда, яъни малака ошириш институти ташкил этилганидан беш ой ўтиб, таъсис этилди. Тергов органлари ислоҳоти жараёнидаги бу ҳолатдан кўриниб турибдики, ушбу беш ой давомида келгусидаги тергов идораси учун кадрлар тайёрлаш бўйича жуда катта ва мураккаб иш олиб борилган. Шунингдек, мустақил тергов органини ташкил этиш бўйича ислоҳот терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида амалга оширилган эди. Бироқ бу ислоҳот ваколатлар мувозанатининг тергов органлари, асосан, тергов органи раҳбари томонига оғишига олиб келди. Жиноят-процессуал фаолиятда қонунларга, шунингдек инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини назорат қилувчи асосий мансабдор шахслар сифатида прокурор ва прокурор ёрдамчиси жиноят иши қўзғатилган гумонланувчи ёки ноқонуний тарзда айбланувчи сифатида жалб этилган шахсларга нисбатан жиноят ишларини тугатиш ҳуқуқидан қонуний асосда маҳрум қилинди. Энди бундай қарор қабул қилиш ваколати фақатгина тергов органи раҳбарининг ихтиёрида бўлиб қолди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ягона тергов органини ташкил этишга қаратилган босқичма-босқич ислоҳотлар давлатда жиноятчилик даражасини пасайтиришга имкон берди. Бу кўрсаткич, асосан, СССР парчаланишидан сўнг ошиб борган эди. 2007 йилдан бошлаб Россия Федерациясида Тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида олиб борилган ислоҳотлар натижасида жиноятлар сони камайиб бормокда. Россия Федерациясида прокуратура ҳузурида Тергов қўмитасининг ташкил этилиши ва

2011 йилда уни прокуратура тизимидан тўлиқ ажратиб чиқарилиши шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

Хусусан, 1995 йилда Қозоғистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги тергов органлари асосида Давлат тергов қўмитаси ташкил этилган. Бу орган ҳам, Россиядаги Тергов қўмитаси каби, Президентга тўғридан-тўғри бўйсунарди ва ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланмас эди. [6]

Қозоғистон Республикаси Давлат тергов қўмитаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга дастлабки тергов, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолияти соҳаларидаги функцияларни амалга ошириш ваколатлари берилган эди. [7]

ДТҚ ходимларининг ҳуқуқий мақомига келсак, бу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, тергов органи раҳбари кенг ваколатларга эга бўлган. Прокуратура органлари фақат назоратни амалга ошириши мумкин эди, лекин бу назорат зарур юридик механизмлар билан таъминланмаган эди. Прокурор Россиядаги каби айблов ҳулосасини тасдиқлаш ҳуқуқига эга эмас эди. [8] Бироқ Қозоғистон Республикаси Давлат тергов қўмитасининг амалий фаолияти, унинг ишлаш даврида мамлакатда криминоген вазиятнинг кучайишига олиб келгани туфайли, мамлакат раҳбарияти 1997 йил 5 ноябрь куни ДТҚни тугатиш ва унинг функцияларини давлат хавфсизлик органлари ҳамда Ички ишлар вазирлигига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. [9]

Беларусь Республикасига келсак, ушбу мамлакат раҳбарияти ягона ва мустақил тергов органини яратишда ижобий натижаларга эришган. Беларусь Республикаси Президенти 2011 йил 12 сентябрь куни 409-сонли Фармонни имзолаган, ушбу фармонга мувофиқ Беларус Республикаси Тергов қўмитаси ташкил этилган. Шу билан бирга, Беларус Республикаси Тергов қўмитаси ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланмайди. [10]

2011 йил 13 декабр куни Президент, шунингдек, “Беларусь Республикаси Тергов қўмитасини ташкил этиш масалалари бўйича айрим Беларус Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунни ҳам имзолади. [11] Фармонга мувофиқ, Беларус Республикаси Тергов қўмитаси прокуратура органлари, ички ишлар органлари ҳамда Давлат назорати қўмитаси молиявий тергов бўлинмаларидаги илғор тергов функциялари топширилиши йўли билан ташкил этилган. Айтиш лозимки, Давлат хавфсизлик органларидан илғор терговни ўтказиш ваколатлари олиб қўйилмаган, чунки илғор тергов каби муҳим функция давлат хавфсизлигини таъминлаш ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш мақсадида зарур бўлган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Беларус Республикасида ягона ва мустақил Тергов қўмитасини ташкил этиш ислоҳоти натижаси нафақат жиноят ишларини очиш кўрсаткичи ошишига олиб келди, балки энг асосийси, давлатда



жиноятчилик даражаси пасайди. Бу эса ҳукуқий маданиятнинг ривожланишига ва қонун устуворлигининг таъминланишига хизмат қилади. Бундай ислохотнинг амалий муваффақияти жиноят процессуал қонунчилиги концепциясини ва Беларус Республикаси тергов органларининг ташкил этиш ҳамда ўзига хос моделини шакллантириш орқали тўғри йўлга қўйилди. Ислохотларни амалга оширишда Қозоғистон тжрибаси каби оператив-қидирув функциялари Тергов қўмитасига берилмади, режа қилинган ислохотлар жадал суратларда амалга оширилди.

Шу билан бирга, халқаро тажриба кўрсатадики, мустақил тергов органлари жиноятчиликка қарши курашишда юқори натижалар беради. Россия, Белоруссия ва бошқа мамлакатларда тергов қўмиталари ташкил этилиб, уларнинг фаолиятида коррупцияни камайитириш ва жиноятларни тезкор аниқлаш борасида ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Ўзбекистонда тергов қўмитасини ташкил этиш учун ҳукуқий базани такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва муассасалар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Тергов қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мустақилликкача бўлган даврда, МДХ ҳудудида анъанавий тергов аппарати тизимида терговчиларнинг муайян идораларга мансублиги доимо мавжуд бўлиб келган. Бу ҳолат уларнинг фаолияти давомида айрим тергов ҳаракатларини ва бутунлай дастлабки тергов жараёнини сифатсиз амалга оширилишига олиб келган. Шунингдек, жиноят-процессуал фаолиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишига салбий таъсир кўрсатган. Терговчилар тезкор-қидирув бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши, дастлабки тергов жараёнида жиноят-процессуал қонунчиликнинг мунтазам равишда бузилишига йўл қўйилган.

Терговчи етарли даражада процессуал мустақилликка эга эмас, чунки у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарига тобе ҳисобланади. Агар терговчи прокуратура органларида хизмат қилса, у ҳолда ҳам унинг прокурорга боғлиқлиги мураккаб ҳолатни юзага келтиради, чунки бу вазиятда прокурор ўзининг назорат функциясини бажариш баробарида, терговчининг тўғридан-тўғри хизмат раҳбари ҳисобланади. Амалда шахсни айбланувчи сифатида жалб этиш ёки этмаслик бўйича якуний қарор қабул қилиш тўғридан-тўғри прокурорга боғлиқ бўлиб, у айбловни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун далилларни етарли деб топиши ёки топмаслигига асосланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тергов фаолиятида шаффофлик ва очикликни таъминлаш ҳам муҳимдир. Мустақил орган сифатида тергов қўмитаси жамоатчилик назорати учун очик бўлиб, унда коррупцияга қарши курашишда янада кучли механизмлар яратиш лозим. Бу эса фуқароларнинг



ҳуқуқий хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари тергов тузилмаларини коррупциядан холи соҳага айлантириш ва тергов сифатини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, тергов тузилмаларини коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича чора-тадбирлар механизмини ишлаб чиқиш ва бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш;

иккинчидан, ҳар бир суриштарувчи ва терговчига инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилиши, “қабул қилаётган ҳар бир қарори ортида инсон тақдири ётганлигини” чуқур англаши ҳамда “инсон тақдирига таъсир этувчи ҳар бир хато қабул қилган қарори фавқуллодда ҳолат сифатида қабул қилинишини” англаб етиши учун барча зарур чорларни кўриш ҳамда касбий сифатларини юқорида даражада шакллантириш зарур ҳисобланади;

учинчидан, тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, унга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ва бунга имкониятни яратиб бериш учун тергов хоналарини замонавий тарзда ва хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда жиҳозлаш;

тўртинчидан, суриштирувчи ва терговчиларнинг жиноят процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган мустақиллигини амалда таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашиш ҳолатларига барҳам бериш, бунинг учун давлат томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилган ҳолда, барча тоифадаги давлат органлари мансабдор шахслари суриштирувчи ва терговчиларнинг мустақиллиги тамойилларига сўзсиз риоя қилишлари ҳамда уларнинг фаолиятига ҳар қандай кўринишларда аралашишга йўл қўймаслик борасида қатъий огоҳлантирилиши лозим.

бешинчидан, кўрилган чора-тадбирлар ва огоҳлантиришларга қарамасдан тергов жараёнларига ҳар қандай кўринишда аралашганлик ва таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш;

олтинчидан, суриштирувчи ва терговчига иммунитет ҳуқуқи жорий этилиши, бунда қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши лозим;

еттинчидан, суриштирувчи ва терговчини профессионаллигини шакллантириш ва ошириш, шунингдек терговни сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида, уларни фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилишни таъқиқлаш;

саққизинчидан, соҳани юқори малакали кадрлар захирсини шакллантириш ва сақлаб қолиш мақсадида, суриштирувчи ва терговчиларни тергов соҳасида узлуксиз 3 йил хизмат ўташлари лозимлиги ва бу муддат мобайнида уларни бошқа соҳа йўналишларига ўтказишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб



кўйилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши. <https://iibb.uz/uz/news/prezident-avkat-mirzиеev0503>.

2. Қаранг: В.П.Ануфриев. Правовой статус следственного комитета при прокуратуре российской федерации, следователей и других прокурорских работников его следственных органов. Автореферат, дисс.на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва: 2009 г. С 23.

3. Шадрин В.С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. М., 2000. С. 58-59.

4. Серов Д. О., Федоров А. В. Следствие в Российской Федерации (1992-2007 гг.) // Российский следователь 2015. № 24. С. 48–54.

5. Указ Президента Российской Федерации от 01.08.2007 № 1004 // Собрание законодательства Российской Федерации. 2007. № 32. Ст. 4122.

6. Указ Президента Республики Казахстан от 6 октября 1995 г. № 2513 «Об образовании Государственного следственного комитета Республики Казахстан» // Ведомости Верховного Совета Республики Казахстан. 1995. № 23. С. 153.

7. Указ Президента Республики Казахстан от 4 ноября 1995 г. № 2594. «Об утверждении Положения «О Государственном следственном комитете Республики Казахстан» // Ведомости Верховного Совета Республики Казахстан. 1995. № 23. С. 153.

8. Необоснованное обвинение и реабилитация в уголовном процессе: метод. пособие. М., 1997.

9. Указ Президента Республики Казахстан от 5 ноября 1997 года № 3731 «О мерах по укреплению национальной безопасности, дальнейшему усилению борьбы с организованной преступностью и коррупцией» // Казахстанская правда. 1997. 11 октября.

10. Указ Президента Республики Беларусь от 12.09.2011 № 409 «Об образовании Следственного комитета Республики Беларусь» // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь. 2011. № 103. 1/12845

11. Закон Республики Белоруссии № 325-З «О внесении дополнений и изменений в некоторые законы Республики Беларусь по вопросам образования Следственного комитета Республики Беларусь» [принят Палатой представителей 7 дек. 2011 г.: редакция от 01 окт. 2012 г.] // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь. 2011. № 140. 2/1877.